«ТАСДИКЛАЙМАН»
Учкургон туман
Ободонлаштириш бошкаримаси
бошлиги

_____________ Б.Болтобоев

«01» ___11___ 2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

## Учкургон туман Ободонлаштириш бошкармаси

Ободонлаштириш бошкармаси тасарруфидаги иссикхонада мавсумий гуллар етиштириш учун гул уруглари сотиб олишга

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Учкургон шахри -2022**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

# I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Ободонлаштириш бошкармаси тасарруфидаги иссикхонада мавсумий гуллар етиштириш учун гул уруглари сотиб олишга ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати

– Петуния, Катарантус, Кора райхон, Гултожихуроз, Шафран мавсумий гул уруглари 5000 донадан кадокланган холатда 2022 йилда ишлаб чикарилган сифатли булиши керак.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 ку .

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Учкургон туман Ободонлаштириш бошкармаси** (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Учкургон шахри Абдуллаев куча, 33 уй

Эл.адрес: uchobodon@umail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Учкургон туман хокимлиги биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Учкургон туман
Ободонлаштириш бошкаримаси
бошлиги
_________ Б.Болтобоев
«01» ___11___ 2022 й

**Учкургон туман Ободонлаштириш бошкармаси**

Ободонлаштириш бошкармаси тасарруфидаги иссикхонада мавсумий гуллар етиштириш учун гул уруглари сотиб олишга

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Ободонлаштириш бошкармаси тасарруфидаги иссикхонада мавсумий гуллар етиштириш учун гул уруглари сотиб олишга |
| 2 | Буюртмачи | **Учкургон туман Ободонлаштириш бошкармаси** |
| 3 | Буюртма учун асос | Ишлаб чикариш зарурияти. |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Учкургон шахар Абдуллаев 33 уй |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Петуния. Катарантус, Кора райхон, Гултожихуроз, Шафран мавсумий гул уруглари 5000 донадан кадокланган холатда 2022 йилда ишлаб чикарилган сифатли булиши керак. |
| 6 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси хамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартномага асосан тахминан 92 000.000 (Туксон икки миллион) сўмлик махсулот сотиб олиш режалаштирилган. |
| 7 | Иш тури | Буюртма асосида етказиб берувчи томонидан белгиланган махсулотларни муддатидан кечиктирмай етказиб бериш. |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | 7 кун |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Махаллий бюджет |

Ободонлаштириш бошкармасининг бош мутахасиси: Б.Мансуров